

РАСУЛОВА Феруза Файзуллаевна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
катта ўқитувчиси (PhD) E-mail: f.rasulova@iia.uz

МАХАМАТКАРИМОВ Музаффар Абдукарим
ўғли
Дин психологияси йўналиши I курс
магистранти
E-mail: muzaffar26061991@gmail.com

АЛЬТРУИЗМ ФЕНОМЕНИНИНГ МУҚАДДАС МАНБАЛАРДАГИ ТАВСИФИ

ОПИСАНИЕ ФЕНОМЕНА АЛЬТРУИЗМА В СВЯЩЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ

DESCRIPTION OF THE ALTRUISM PHENOMENON IN SACRED SOURCES

Аннотация: Дунё мамлакатлари тараққиётига тўғаноқ бўлаётган кўплаб муаммолар шахс ахлоқий ривожланиши масаласига бўлган эътиборни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Ҳозирги кунда шахслараро муносабатларда бегаразлик, ижобий хислатлар ва ижтимоий перцепция ўрнини кескинлик, тезкорлик ҳолатлари эгалламоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларда умуминсоний қадриятлар асосига қурилган шахс акмеологик тараққиётнинг мезонларидан бири бўлмиш альтруизмдек хулқ-атворни шакллантириши муҳим аҳамиятга эгадир.

Таянч иборалар: альтруизм, феномен, қадрият, маданият, мотив, муқаддас манбалар, шахс.

Аннотация: Многие проблемы, от которых страдает развитие страны требуют дальнейшего внимания к вопросу нравственности развитие личности. Сейчас, вместо таких качеств межличностного отношения человека как беспристрастность, положительная перцептивность и другие положительные качества занимают ускоренность. Учитывая это, формирование альтруизма у студентов как личности, который является одним из критериев акмеологического развития очень важно.

Ключевые слова: альтруизм, феномен, ценность, культура, мотив, сакральные ресурсы, личность.

Annotation: Many problems from which the development of the country suffers require further attention to the issue of moral development of the individual. Now, instead of such qualities of a person's interpersonal attitude as impartiality, positive perceptivity and other positive qualities, acceleration is occupied. Given this, the formation of altruism in students as a person, which is one of the criteria for acmeological development, is very important.

Key words: altruism, phenomenon, value, culture, motive, sacred resources, personality.

КИРИШ

Альтруизм феномени илмий нуқтаи назардан файласуфлар, психологлар, социологлар томонидан XVII-XVIII асрларга келиб тадқиқ этила бошланган. Бизга тарихдан маълумки, Шарқ дунё цивилизациясининг бешиги ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, жамият ҳаётида ёшлар тарбияси, уларнинг баркамол инсон сифатида шаклланиши масаласи асосий муаммоларидан бири сифатида қаралиб келинган. Ўтмишда Шарқнинг буюк алломалари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларнинг турли жиҳатларини муайян бир илмий йўналиш сифатида ўрганмаган бўлсалар-да, бироқ алломаларнинг асарлари, қўлёзмаларида мазкур ҳолатларнинг ёритилиши, чуқур педагогик-психологик таҳлили кузатилади. Айниқса, шахс хулқ-атворидаги ижобий ва салбий хислатларнинг таҳлили, камил инсон тарбияси ва унга таъсир этувчи турли омиллар педагогик-психологик жиҳатдан очиб берилган. Таъкидлаш лозимки, алломаларнинг шахс маънавий-руҳий камолоти борасидаги қимматли фикрлари ҳозирга қадар ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», Жалолиддин Давонийнинг «Бола тарбияси ҳақида», Кайковуснинг «Қобуснома», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарлардаги одоб-ахлоқ ва ёшлар тарбиясига бағишланган чуқур педагогик-психологик қарашлар бугунги кунда ҳам ёшларни тўғри йўлга бошлашда инсоният ва жамиятга нисбатан турли эзгу ишларни амалга оширишга ундовчи манба ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Шарқ мутафаккирларининг ибратли ҳаёти ва фаолияти фан тараққиётининг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шахсда альтруизм мотивларига асосланган хулқни тарбиялаш масаласи муқаддас манбалар, жумладан, энг қадимги қўлёзмалардан ҳисобланган «Авесто» да ҳам «болани эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал қилишга ўргатиш» тарзида баён этилган. Мазкур манбада эзгу фикр албатта когнитив соҳа, яъни илоҳий таълимотнинг асосий ғояси ва ахлоқий идеаллар “эзгулик” ва “ёвузлик” орасидаги фарқни англашдан, тафаккур қилишдан иборат, эзгу сўз эса шахслараро муносабатлардаги самимийлик, ҳамдардлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлашни назарда тутди, эзгу амал деганда жамият билан боғланишни, жамият манфаати учун фойдали ишларни амалга оширишни тушуниш мумкин. Чунки, ҳар қандай эзгу сўз эзгу фикр ва эзгу амални юзага келтиради ва кишиларни эзгулик қилишга ундайди. Эзгулик фалсафий тушунча бўлиб, унинг маъноси атрофдагиларга хайрли иш қилиш деганидир. Демак, эзгулик тушунчасининг мазмунини бошқа инсонларга хайрли иш қилиш, ёрдам бериш ташкил этар экан, эзгуликни бевосита альтруистик хулқнинг шарқона тавсифи деб айтишимиз мумкин. Қолаверса, эзгулик – барча яхшиликлар манбаи ҳисобланади.

Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган “Қуръони карим”, “Ҳадиси-шариф”ларда ҳам ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ, виждон, иймон, эътиқод тўғрисида, қолаверса, яхшилик қилиш ҳақида ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилади. Хусусан, “Қуръони карим”да яхшилик қилиш инсоннинг табиий вожиботи бўлиши кераклиги тушунтирилиб, Аллоҳ инсонга ўзининг неъматлари билан эҳсон қилганидек, инсон ҳам бошқаларга яхшилик қилиши керак дейилади:

“Қасос” сурасининг 77-оятида «Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам (ўзгаларга) яхшилик қил» ёки «Бақара» сурасининг 177-оятида яхшилик феноменига қуйидагича изоҳ берилади: “...яхши кўрган молини қариндошларига, етимларга, мискинларга, ватангадоларга, тиланчиларга, қул озод қилишга берса” - бу чинакам яхшиликдир. Мазкур ояти каримнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, ислом дини таълимотида атрофимиздаги инсонлар манфаати учун яхшилик қилишга чорланмоқда. Мазкур суранинг 215-оятида эса

«Нафақа қилган яхшилигингиздан ота-оналарга, яқин кишиларга, етимларга, мискинларга ва ватангадоларга бўлсин» дейилади. Бу ерда “нафақа қиладиган” инсонлар тимсолида альтруистик шахсга изоҳ берилмоқда дейиш мумкин. Чунки, ўз молидан муҳтожларга бериш, уларнинг бошини ҳеч қандай манфаат кўзламаган ҳолда силаш айнан альтруистга хос хислатлардандир.

Қолаверса, муқаддас манбаларимизда инсонларда саҳийликни намоён бўлишига ҳам катта урғу берилади. Хусусан, “Сабаъ” сурасининг 39-оятида “Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур”, “Оли Имрон” сурасининг 92-оятида эса “Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча, сира яхшиликка эриша олмайсиз” каби фикрлар келтирилган. Демак, “саҳийлик – кишининг ўзида борини бировдан аямаслигига асосланган фазилат” бўлса, биз ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, саҳийлик бевосита альтруизмнинг шарқона тавсифидир. Саҳий инсон ҳам альтруист сингари ўзга инсонлар ёрдамига шай бўлади.

Ҳадиси шарифларда ҳам ўзгаларга ёрдам бериш масаласи кенг тарғиб қилинган. Жумладан, Имом Муслим ва Имом Аҳмадлардан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади “Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай деганлар: Кимки бир мўминни шу дунёдаги бирор ташвишидан халос этса, Аллоҳ уни охиратдаги ташвишларидан халос этади. Кимки бечораҳол кишига ёрдам берса, Аллоҳ унга икки дунёда ёрдам беради. Кимки бир мўминнинг айбини ёпса, Аллоҳ унинг икки дунёдаги айбларини ёпади. Банда бировнинг ёрдами учун ҳаракат қилар экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлаверади”. Ҳар қандай вазиятда ҳар қандай инсонга ёрдам бериш хусусида Имом Муслим қуйидаги ҳадисни келтирадилар: “Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Биродаринг золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам бер”. Шунда бир киши: “Эй Расулуллоҳ, мазлумга-ку ёрдам берамиз, аммо золимга қандай қилиб ёрдам бериш мумкин”, деди. Шунда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Золимни зулм қилишдан қайтаришинг, унга қилган ёрдамнинг бўлади”, дедилар”. Агар мазкур фикрларни

илмий нуқтаи назардан изоҳлайдиган бўлсак, акмеологик тараққий этган шахс мазлумга ҳам золимга ҳам бирдек эзгу сўзи, эзгу амали билан ёрдам беради.

Умуман олганда, муқаддас диний манбаларда хулқ-одоб ҳақидаги ҳадисларда энг эзгу инсоний хислатлар ифбат, саховат, мурувват, шукроналик, яхшилик каби ахлоқий хусусиятлар улуғланиб, инсон фаровонлиги, жамият равнақи учун қилинадиган яхши, эзгу хатти-ҳаракатлар, фаолиятлар «савоб» тарзида олқишланади. Бу хусусиятларни бизнинг назаримизда футувват илмидаги альтруизм мотивларига асосланган хулқ-атворни изоҳловчи индивидуал психологик хусусиятлар деб изоҳлаш мумкин.

Альтруизм мотивларига асосланган хулқ Шарқ алломалари асарларида комил инсон тарбияси нуқтаи назаридан талқин қилинган. Жумладан, Шарқ алломаларидан бири Абу Наср Фаробий ўзининг педагогик-психологик қарашларида шахс ва жамият муносабатларини нозик томонларини очиб берган.

Фаробий педагогик-психологик таълимотининг асосида комил инсонни шакллантириш, инсон ўз моҳиятига кўра, ижтимоий, яъни фақат жамиятда, шахслараро муносабатларда комилликка эришади, деган педагогик-психологик қараши туради.

Фаробийнинг қарашларида альтруизмга оид фикрларни “Ҳимматли шаҳар аҳолисининг нуқтаи назари ҳақида рисола” номли асарида учратиш мумкин. Фаробий ўзининг мазкур асарида “Ҳимматли шаҳар – тирик жонзот ҳаётини сақлаб қолиш мақсадидаги барча аъзолари бир-бирига ёрдам берувчи соғлом тана сингари”дир. Зеро, мутафаккир таъкидлаганидек, инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки шахслараро муносабатларига муҳтож бўлади. Алломанинг таъкидлашича, айнан ҳимматли шаҳар эгалари ўз юртдошини мураккаб ҳолатда ташлаб қўймайди, ҳамиша бир-бирини қўллайди. Демак, алломанинг фикрларига таянадиган бўлсак, ҳимматли шаҳар аҳолисида альтруизм мотивларига асосланган хулқ устун бўлсагина, у чинакам ҳимматли ва фозил шаҳарга айланади.

Шарқнинг яна бир буюк комусий олими Абу Райҳон Беруний шахс камолотида билим ва ахлоқ уйғунлиги муҳим аҳамият касб этишини

таъкидлайди. Беруний таъбири билан айтганда, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Шундай экан, шахс ўз эли ва юрти учун наф келтирувчи қуйидаги фазилатларга эга бўлмоғи лозим: яхшилик, ростгўйлик, олийжаноблик, мурувват, меҳр-шафқат, дўстоналик, самимийлик ва бошқалар.

Беруний инсоннинг маънавий қиёфасини, хулқ-атворини яхшилик ва ёмонлик ахлоқий тушунчалар билан белгилайди. «Яхшилик тантанаси ва унга эришиш осон иш эмас. Умуман олганда, яхшилик сари интилиш ва унга етишиш катта меҳнат ва ҳаракат, сабр ва матонат, мустаҳкам ирода ва юксак ахлоқий маслакни, мақсад йўлида доимо курашишни талаб этади. Ана шу кураш йўлида камолотга эришиш мумкин».

Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мактагулик нарсаларга айлантиришга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир. Яхши хулққа интилган, намунага тақлид қилган ўқувчи энг аввало ўз имкониятларини тушуна боради, жамоадаги ўрнини тўғри белгилайди. Инсон онгли ва табиатнинг энг олий мавжудоти бўлгани учун ҳам намунадан ўрнак олади. Инсонни камолотга етакловчи хислатлардан бири олийжаноблик ва мурувватдир. Олийжаноблик ва мурувватнинг мазмунини яхшилик ташкил этиб, бу инсонга инсон сифатида муомала қилиш демакдир, деб таъкидлаган эди, Беруний.

Юқоридаги фикрлардан кўриб турибмизки, Беруний инсонда альтруизмни ривожлантиришда энг аввало, ўз-ўзини тарбиялаш ва шахслараро муносабатларнинг ўрнини алоҳида кўрсатиб ўтган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, даврлар силсиласидан ўтиб, бизнинг истиқлол давримизгача етиб келган Шарқ алломаларининг дурдона асарлари бугунги кунда нодир қўлёзмалар қаторидан муносиб ўрин эгаллагандир. Уларнинг маънавий бой меросларига мурожаат қилар эканмиз, ушбу қўлёзмалар қанчалик қимматли эканини тушуниб етамиз. Шарқ мутафаккирлари ўз

асарларида инсон рухий оламини тасвирлар эканлар, ҳаётӣ мисоллар келтириш орқали хулқ-атворнинг ижобӣ ва салбий томонларини батафсил таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Асарларда инсон хулқ-атворига хос бўлган маънавий, рухий хусусиятлар, ҳолатлар ҳикоят, бадиӣ образ, ривоят-ҳадисларни келтириш орқали тасвирланади.

Шарқ алломалари асарларида альтруизм, альтруистик хулқ-атвор муаммоси эзгулик, яхшилик, саховат, мурувват, футувват тушунчаларининг мажмуаси тимсолида очиб берилади. Футувват илмида тавсифлаб берилган ахлоқӣ хусусиятлар сингари альтруистик хулқ-атвор негизда ўзга шахснинг, халқнинг кизиқишлари, манфаатлари ётади. Шунга кўра, Шарқ алломаларининг асарларида келтирилган ижобӣ сифатларни айнан альтруизмнинг шарқона тавсифи деб ҳисоблаш мумкин.

Муқаддас манбалар ва Шарқ алломаларининг педагогик-психологик қарашларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1. Альтруизм ҳодисаси муқаддас манбалар ва Шарқ алломалари асарларида унга ёндош бўлган футувват, саховат, ҳимматлилик, мурувват, беминнат ёрдам бериш каби сифатлар талқинида баён қилинган.

2. Шарқ алломаларининг асарларида альтруизм мотивларига асосланган хулқни шаклланиши ва ривожланишида жамият, таълим-тарбиянинг ўрни амалӣ ҳаёт билан боғлаб ижтимоӣ педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил этиб берилган.

АДАБИЁТЛАР РҲЙҲАТИ:

1. Авесто Яшт китоби / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 112 б.
2. Атабаева Н.Б. Шахсда альтруизм ривожланишининг психологик хусусиятлари: психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т, 2020.
3. Абу Райҳон Беруний. Рухият ва таълим - тарбия ҳақида. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992, Б. 55-57.
4. Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характери шаклланишига қадриятлар таъсирининг психологик хусусиятлари: дис. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2011.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим: тафсири ҳилол. Маънолар таржимаси 7-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2008.

6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва б. Олтин силсила: Саҳиҳи муслим. 1-жуз. – Тошкент: Ҳилол нашри, 2019. – 672 б.
7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Танланган асарлар. – Тошкент: “Халқ мероси” нашриёти, 1993. – Б. 45-46.
8. Хайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Умумий психология. – Тошкент, Фан ва технологиялар маркази, 2010. – Б. 256-263.
9. Ҳошимов К., Нишонов С. Педагогика тарихи. Тошкент, А.Навоӣ номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – Б. 87-89.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортик сўз ва сўз бирикмаси / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмӣ нашриёти, 2006-2008.